

Арафотда айтилиши мустаҳаб бўлган дуо

09:35 / 29.07.2020 2298

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Дуоларнинг энг яхшиси арафа кунидегисидир. Мен ва мендан олдинги пайғамбарлар айтган нарсаларнинг энг яхшиси

«Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шай`ин қодийр»дир».

Арафотда зикр ва дуолар кўпайтиради. Чунки бу кун йилнинг дуо қилиш учун энг яхши фурсатидир, ҳажнинг энг улуғ амали, мақсади ва эътимод қилинганидир. Шундоқ улуғ кунда банда зикр, дуо, Қуръон тиловатига ўзи, ота-онаси, қариндошлари, дўсту биродарлари ва жамики мусулмонлар ҳаққига дуо қилишга бор куч-қувватини сарф этади, улуғ куннинг буюк имкониятларидан бебаҳра қолиб, вақтини беҳуда ўтказишдан ўзини сақлайди. У кунда дуолар сажъ -- қофия билан айтилмайди. Чунки сажъ қалбдан хушув ва хузуъни, ўзни хор тутиш каби нарсаларни кетказди. Лекин ёдланган дуолар қофияли бўлса, зарари йўқ. Дуо қилаётганда овозини пасайтириб айтиш суннатдир. Яна шу кунда чин қалбдан истиқфор айтилади, тавба қилинади. Дуолар такрор-такрор айтилаверади. Дуолар Аллоҳга ҳамду сано ва Расулуллоҳга саловот ва салом айтиш билан тугатилади. Дуо қилаётганда, албатта, таҳоратли бўлиб, қиблага юзланган ҳолда турилади.

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан